

**Ақийда дарслари (224-дарс) Ийсо  
алайҳиссаломнинг тушишлари (иккинчи  
мақола)**



**АҚИЙДА**  
224-ДАРС

ШАЙХ МУҲАММАД СОДИҚ МУҲАММАД ЮСУФ РОҶИМАҲУЛЛОҲНИНГ  
«АҚОИД ИЛМИ ВА УНГА БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР» ВА «СУННИЙ АҚИДАЛАР»  
КИТОБЛАРИ АСОСИДА БЕРИБ БОРИЛАДИ.  
МАВЗУЛАРНИНГ ТЎЛИҚ МАТНИ БИЛАН ТАНИШИШ УЧУН  
КИТОБНИНГ ЎЗИГА МУРОЖААТ ЭТИШ ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ.

19:00 / 18.04.2023 2335

هُنَعُ هَلْ لَ ا ي ضَرَّ رَ ةَ رِيْرُهُ يَبَأُ نَعُ  
هُلْ لَ ا يَّ لَ صَ هَلْ لَ ا لُ وُسَرَّ لَ ا قَ : لَ ا قَ  
نُبَأُ نَ لَ زُنَيَّ لَ هَلْ لَ ا وَ : مَّ لَ سَ وِ هَيَّ لَ عَ  
نَ رَسُ كَيَّ لَ فَ ، ا لَ دَا عَ ا مَّ كَ حَ مَ يَ رَمَ  
رَ يَ زُنْ خُ لَ ا نَ لُ تَ قَيَّ لَ وَ ، بَ يَ لَ صَ لَ ا  
نَ كَرُ تَ تَ لَ وَ ، هَيَّ زُ جُ لَ ا نَ عَ ضَ يَّ L وَ  
ا هَيَّ لَ عَ يَ قُ سُ يَ ا لَ فُ صَ a لَ Q لَ a

ضُغَابٌ تَلَاوُءٌ أَنْحَشُوا لَنَا نَبَاهَ دَتَلَوُ  
لَامُ لِيَلِيٍّ نَوْغَدَيْلَوُ، دُسَّاحٌ تَلَاوُ  
مَلْسُ مِهَاورُ. دَحَّاهُ لَبْقِي آلَف

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Аллоҳга қасамки, албатта, Ибн Марям одил ҳакам бўлиб нозил бўлгай. Сўнг албатта, хочни синдиргай, албатта, чўчқани ўлдиргай, албатта, жияни бекор қилгай, албатта, ёш туялар тарк қилингай, улар суғорилмагай, албатта, одамлар орасидаги кўра олмаслик, ҳасад қилиш ва бир-бирини ёмон кўриш кетгай ва албатта, у молга даъват қилгай, аммо уни биров қабул қилмас», дедилар».

Чунки ҳамма ёқни молу дунё босиб кетган бўлади. Шунинг учун ҳам одамлар орасидаги ўзаро душманлик қолмаган бўлади.

هَلَلَايِضَرُورَمَعَنْبِهِلَلَاذَبَعَنْع  
هَلَلَايِلَصْهَلَلَاوُسَرَّانَا:أَمْهَنْع  
لَاجِدَلَاجُرْحِي:لَاقَمَلَسَوِهَيْلَع  
ال-نِيغَبْرَأْتُكُمَيَفِيْتُمْأَيَف  
نِيغَبْرَأُواَْمْوَيَنِيغَبْرَأُيَرْدَأ  
تَغَبِيَف-أَمَاعَنِيغَبْرَأُواَْرْهَش  
ةَوْرَعُهُنَّأَكَمَيَرَمَنْبَايَسِيَعُهُلَلَا

هُكُلُهُ يَفُ هُبُلُ طَيِّفٍ ، دُوْعُ سَمِ نُبِ  
نَيِّنِ سَغَبَسُ سَانِلَا ثُكُمَيِّ مَثِ  
أَمْ هَاوَرُ . ةَوَادَعِ نَيِّنِ ثَانِي بَسِيْلِ  
مِلْسُمِ .

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Дажжол умматим ичидан чиқиб, қирқ, билмадим, қирқ кунми, қирқ ойми, қирқ йилми, турур. Кейин Аллоҳ Ийсо ибн Марямни юборур. У худди Урва ибн Масъудга ўхшар. Бас, у ҳалиги(Дажжол)ни излаб топиб, ҳалок этур. Кейин одамлар етти йил икки киши орасида адоват бўлмай турурлар», дедилар».

*Иккисини Муслим ривоят қилган.*

Ровий Дажжолнинг чиққанидан кейин ер юзида туриши қирқ йилми, ойми ёки кунми эканида шакка тушиб қолган экан. Биз бунинг қирқ кун эканини ва у кунлар қандай кунлар эканини Тамийм ад-Дорий розияллоҳу анҳунинг ҳадисларида ўрганганмиз.

نَا : هُنَّ عُهُلُ لَلَا يَضَرَّهَ رِيَّهَ بَأَنَّ عِ  
مَلَسَ وَهِيَ لَعُهُلُ لَلَا يَلَصُّ يَبْنَلَا  
يَسِيْعَ نَيِّبَ وَ نَيِّبَ سِيْلَ : لَأَقِ  
هُمُّ تِيَّارِ إِذِافُ ، لَزَانُ هُنَّ إِوُ ، يَبَنْ  
ةَرْمُ خَلَا يَلِإِ عُوْبَرَمُ لُجَرُ ، هُوْفِرُعَافِ

نَأَكُ ، نِي تَرِّصَمُ مَنِّي بِي ضَائِبُ لَأَوْ  
لَلْبُ هَبِصِي مَلُ نَأَوْ رُطْقِي هَسُ أَرْ  
مَأَلْسُ إِي لَعَسَ سَأَلُ لَأَقِي فِ  
لُتُقِي وَ ، بِي لَصَلُ أِقُدِي فِ  
كُلُهُ يَو ، هَي زَجَلُ غَضِي وَ ، رِي زَنخُ لَأ  
إِي إَهْلُكَ لَلْمُ لَأ هِنَ أَمَزِي فِ هَلُ لَأ  
حِي سَمُ لَأ كُلُهُ يَو ، مَأَلْسُ إِي لَأ  
يَلَعُ هَنَ مَأَلُ غَقَتُ مُثُ ، لَأ جِدُ لَأ  
غَمُ ذَسُ أَلُ غَتَرَتُ يَّتَحِ ضُرُ أَلُ لَأ  
رَقَبُ لَأ غَمُ رَأْمُ نَلُ أَوْ ، لَبُ إِي لَأ  
بَعَلَتُ وَ ، مَن غَلُ لَأ غَمُ بَأِي ذَلُ أَوْ  
تُكُمِي فِ ، تَأِي خَلُ لَأ بِنَأِي بَصُ لَأ  
مُثُ ، هَنَ سَنِي غَبُرُ أَلُ ضُرُ أَلُ لَأ يَفِ  
هَي لَعُ يِلَصِي فِ يَفَوَتِي  
مُكُ أَلُ أَوْ دُؤَادُ وَبَأُ هَأُورُ ، نَوْمُ لَسُ مَلُ لَأ

# دَمْحَ اَمِّ اِلٰو

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Мен билан Ийсо алайҳиссаломнинг орамизда набий йўқ. Албатта, у нозил бўлур. Қачон кўрсангиз, уни таниб олинглар. Ўрта бўйли, қизғиш оқ киши. Икки сарғиш кийим кийган. Худди бошидан қатра томиб турганга ўхшайди. Агар унга ҳўл етмаган бўлса ҳам. Ислом учун одамларга қарши уруш қилади. Масийҳи Дажжолни қатл қилади. Сўнг ер юзида эминлик воқеъ бўлади. Ҳаттоки, шерлар туялар билан, йўлбарслар моллар билан ва бўрилар қўйлар билан бир яйловда бўлурлар. Болалар илонлар билан бирга ўйнарлар. Ийсо ер юзида қирқ йил туради. Сўнгра вафот этади ва жанозасини мусулмонлар ўқийди», дедилар».**

*Абу Довуд, Ҳоким ва имом Аҳмад ривоят қилганлар.*

Ақоид илми уламолари қиёматнинг улкан аломатлари сифатида юқоридагиларни зикр қиладилар. Баъзилари яна бир-иккитасини ҳам қўшадилар. Аммо кишилар ўртасида имом Маҳдий ҳақларида кўп саволлар бўлади. Шунинг учун биз у киши ҳақида ҳам маълумот бериб ўтишни лозим топдик. Имом Маҳдийнинг чиқишлари ҳам қиёматнинг аломатларидан бири бўлади.

(Тамом)

**«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 22 июлдаги 03-07/5979-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.